*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# ДАРОМАДГА ҚАРАБ БЎРОМАД

Ҳаётимизни автомобилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки унинг хизматидан деярли ҳар куни фойдаланамиз. Транспорт иштирокисиз бутун халқ хўжалигини юритиш жуда мушкул. Шу боис республикамиз ҳукумати ушбу соҳани ривожлантиришга беқиёс аҳамият бераётир. Автомобилчилар ҳам бу ғамхўрликка жавобан самарали ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Бунга мисол тариқасида «Хоразмтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасини олиб кўриш мумкин.

- Бирлашмамиз тасаруфида 15 та автокорхона мавжуд,- дейди унинг раҳбари Ярашбай Полвонов. - Бугунги кунга келиб уларнинг ҳаммаси ҳиссадорлик жамиятига ўтказилган. Мулк эгасини топганлиги боис жорий йилнинг ўн ойи ичида барча кўрсаткичлар бўйича режалар уддаланди. Мўлжалдаги 15 миллион 292 минг тонна ўрнига 15 миллион 379,8 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. 55 миллион 638 минг нафар йўловчиларга малакали хизмат кўрсатилди. Юк ташишдан 438 миллион 555 минг сўм, йўловчиларни манзилга етказишдан 310 миллион 277 минг сўм даромад қилинди. 9 ой ичида олинган соф фойда 31 миллион 514,2 минг сўмни ташкил қилди. Ҳайдовчиларимиз айниқса октябр ойида яхши ишлашди. Шу ойда 41 миллион сўм даромад қилиш мўлжалланган эди. Амалда эса бу рақам 72 миллион сўмга етказилди.

Даромадга қараб буромад, дейди халқимиз. Бу нақлга амал қилаётган ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошини ошириб боришмоқда. Бундан ташқари ҳар ойда ва байрамларда пул мукофотлари бериб борилаяпти.

Янгибозор туманидаги 9-ҳиссадорлик жамияти бирлашманинг илғор жамоаларидан ҳисобланади. Автокорхона 1994 йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Ўшанда 1477 та акция чиқарилиб, ҳар бир қимматли қоғознинг номинал қиймати 625 сўм бўлганди. Ҳозирги кунга келиб эса уларнинг нархи 1000 сўмдан ошиб кетди. Ўтган йили битта акцияга 678 сўмдан дивидент тўланди. Бунга ишчи-хизматчиларнинг яхши даромад қилганлиги, қолаверса, ёқилғи мойлаш материалларидан тежаб тергаб фойдаланганлиги натижасида эришилди. Мисол учун, автомобилларнинг бир километр юришига 80 грамм бензин сарфланиши керак. Ҳақиқатда эса бу рақам 77 граммни ташкил этди. Дизель ёқилғиси эса километрига 46 грамм бўлгани ҳолда, амалда 31 граммгина сарфланди. Натижада шу 9 ой ичида 200 литр бензин, 400 литр дизель ёқилғиси иқтисод қилинди.

Шовот туманидаги «Автохизмат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ҳам ижобий силжишлар юз берди. Корхонада 63 та юк машинаси мавжуд. Ҳайдовчилар халқ хўжалиги юклари ташиш билан шуғулланмоқда. Йўловчи транспорти туман ичида 9 та йўналишга хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда ишловчиларнинг ойлик маоши имкон даражасида кўпайтириб борилмоқда. Меъёридан ортиқ юмушни бажаргани учун ҳайдовчи қўшимча ҳақ олади. Режа бажарилгани ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари тежалганига ҳам мукофот пули берилади. Шунинг учун жамоа шу 9 ой ичида яхшигина даромад қилишга эришди.

### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ - АМАЛДА

Топилган даромаднинг бир қисми жамоани ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда. Масалан, шу йилдан соғломлаштириш масканларида овқатланиш пуллик бўлиши муносабати билан ўз соғлиқларини тиклаш учун касалхоналарда ётган ходимларга пул ўтказиш йўли билан ёрдам берилмоқда. Шу кунгача 55 нафар беморлар соғломлаштириш масканларига юборилди. Уларнинг ҳар бирига ўртача 6 минг сўм сарф қилинди. Хонқа туманидаги «Автомобилчи» профилакторийсида 790 нафар киши соғлиқларини тикладилар. Шулардан 299 нафари транспорт ходимларидир.

Кўп болали, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақаларни олишга ёрдам кўрсатилди. Наврўз байрами арафасида Хивадаги болалар ва қариялар уйига шакар, асал, гуруч ва ун олиб бориб берилди. Ҳар бир байрам арафасида уруш ва меҳнат фахрийларига пул мукофоти бериб келинмоқда. Тўй ва маъракаларни ўтказишда транспорт бепул таъминланади. Бунинг учун 124,5 минг сўм сарфланди.

### ҚЎШИМЧА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЭВАЗИГА

«Хоразм» хўжалик ҳисобидаги шоҳбекат бирлашмаси энг йирик жамоалардан бири. Айни чоғда бекат жамоаси қарийб 40 та йўналишда хизмат кўрсатиб келмоқда. Шулардан 32 таси шаҳар атрофида, қолган 8 таси шаҳарлараро йўналишлардир. Урганч-Тошкент, Урганч-Самарқанд, Урганч-Шаҳрисабз, Урганч-Қарши йўналишлари шулар жумласидандир. Ишчи-хизматчилар шу йил 10 ой ичида ҳамма кўрсаткичлар бўйича режаларни ошириб бажариб, 4 миллон 670 минг сўм соф фойда олишди. Бу режага нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шоҳбекат ходимлари юқоридаги даромаднинг ярмини йўловчиларга қўшимча хизмат кўрсатишдан олди. Айни кунларда сартарошхона, чойхона, ошхона, она-бола, ҳайдовчилар дам олиш хоналари, меҳмонхона, юкхона, савдо расталари ва рўзномалар дўкони ишлаб турибди. Автобусларни жорий таъмирлаш устохонаси фаолият кўрсатмоқда. Шу боис ҳайдовчилар кичик таъмирлаш ва мойлаш ишларини шу ернинг ўзида бажариш имкониятига эга.

Шоҳбекат ходимлари қўшимча даромад қилиш мақсадида бошқа юмушларни ҳам бажаришмоқда. Масалан, вилоят почтамти билан шартнома тузилган бўлиб, жойларга газета-журналларни етказиб бериш йўлга қўйилган. Шоҳбекат ҳудудини ижарага бериб, шундан тушган фойдага меҳмонхона тўла таъмирдан чиқарилди.

Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида улар учун сиҳатгоҳлар, болалар дам олиш масканларига йўлланмалар текин тарқатилмоқда. Вилоят касалхонасида жойлашган шифо маркази билан шартнома тузилиб, у ерда ишчи-хизматчилар ташхисдан ўтказилиб турилади.

### МИЛЛИОНЕР ҲАЙДОВЧИЛАР

Хизмат сафаридан қайтар эканмиз, давлат рақами 05-61 ХЗЛ «Икарус» автобусига ўтирдик. Уни икки нафар ҳайдовчи навбатма-навбат бошқариб борарди. Уларнинг бири Шерифбой Зарипов. У билан йўл-йўлакай гаплашиб кетдик.

- 1966 йилдан буён ҳайдовчилик касбида ишлаб келаман,- дейди у. - 1972 йилда «Икарус» русумли автобусни беришди. Мана шу автобусни ҳайдаганимга ҳам 26 йил бўлибди. Ўзи ҳам миллион километрдан кўп юриб қўйди-ёв.

Ҳа, Шерифбой ака 30 йилдан кўп ортиқ вақт ичида ҳайдовчилик касбини ардоқлаб келади.

Иккинчи ҳайдовчи Қодир Эшметов ҳам 1976 йилдан буён шу касбда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

«Хоразмтранс» давлат ҳиссадорлик жамиятида Шерифбой ва Қодир акаларга ўхшаган ҳайдовчилар кўплаб топилади. Шунинг учун бирлашма юқорида таъкидланганидек, режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч»нинг махсус мухбири.**

*Хуфя ишнинг умри қисқа*

# БИГИЗ ҚОПДА ЁТМАЙДИ...

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган савдо ва маиший хизматни яхшилаш истеъмолчи манфаатини ҳимоялашга қаратилган қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳамиша солиқчилар диққат марказида бўлиб келяпти.

Ҳали ҳам кўпгина савдо корхоналари солиқ қонунчилигига тўла риоя этмаяптилар. Рейд ва текширувлар жараёнида шундай қонунбузар корхоналарнинг 3661 таси устидан далолатномалар расмийлаштирилиб, уларга нисбатан 316,9 миллион сўм ялпи даромад солиғи жаримаси билан қўшимча ҳисобланди.

Ўтган ойларда савдо шахобчалари ва бозорлар бўйлаб ўтказилган рейдлар давомида акциз маркасиз сотилаётган 38,5 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 25,7 миллион сўмлик спиртли ичимликлар қўлга туширилди.

Шайхонтоҳур тумани солиқчилари яқинда фуқаролар Ш.Абдуллаева ва И.Исмоилов беркитиб сотаётган 605,1 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини мусодара қилдилар. Қонунбузарларнинг бири шу тумандаги Меҳмонов кўчасида, иккинчиси эса Эшон Бобохон кўчасида истиқомат қилади. Улар солиқчилар ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимларининг кўзини шамғалат қилиб, акциз маркасиз маҳсулотларни гоҳ машинада, гоҳ уйининг ўзида сотиб келишаётган экан.

Паркент бозорида қўлга тушган Н.Темировадан ҳам салкам 43 минг сўмлик акциз маркасиз сигареталар ва 37 минг сўмлик бошқа хил маҳсулотлар олиб қўйилди. «Аския» бозорига ин қўйиб олган Ж.Собировнинг сирли сумкаларидан эса 284 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари чиқди.

Жиззах вилояти солиқчилари ўтказган рейдлар давомида кўплаб эгри қўл сотувчилар фош этилди. Уларнинг аксарияти ёнилғи қуйиш шахобчаларида жойлашиб олган эдилар.

Жиззах нефть мҳсулотлари таъминоти корхонасига қарашли ёнилғи қўйиш шахобчаси оператори Шуҳрат Қаноатов харидордан 450 сўм ортиқча ҳақ олиб қолган пайтида қўлга тушди. Арнасой туманидаги «Олтинтепа» фермер хўжалигига қарашли ёнилғи қўйиш шахобчаси оператори Ш.Шомуродов ҳам юлғичликда Шуҳратдан қолишмас экан. У бир харидорга хизмат қилиб ортиқча 390 сўм уриб қолди. Туман марказида жойлашган «Райхона» ишлаб чиқариш ва савдо хусусий корхонасига қарашли ёнилғи қуйиш оператори Салоҳиддин Товбаевнинг «эпчиллиги»га солиқчилар ҳам қойил қолишди. У бир машинага ёнилғи қуйиб ҳайдовчини 330 сўмга туширганини фақат ўзи сезди.

Юлғичликда савдо ходимлари бензинфурушлардан қолишмаяптилар. Сирғали туманидаги «Озуқа» жамоа корхонасига қарашли 36-дўкон сотувчиси А.Раҳимов харидор ҳаққига 840 сўм хиёнат қилган пайтида ушланди. Дарҳол унга нисбатан жиноят кодексининг 187-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди.

Ўтган ўн ой давомида қонунбузарликка йўл қўйган 26,4 мингдан ортиқ мансабдор ва жисмоний шахслар қарийиб 116 миллион сўм маъмурий жаримага тортилдилар. 2354 та қонунбузарлик ҳолатлари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Суд органларига 3757 та, прокуратурага 1601 та, ички ишлар органларига 519 та текширув ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун юборилди.

Яқинда Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани Айритом қишлоғида хуфя йўллар билан калиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборган Шуҳрат ва Валижон Қодировларнинг сири фош бўлди. Солиқчилар ва ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган рейд давомида ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказилмаган иккита цехнинг ишлаб турганлиги маълум бўлди. 47 жуфт калиш, қолиплар, хомашё ва мосламалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Поп тумани матлубот улгуржи савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 48-дўконнинг молиявий хўжалик фаолияти кўздан кечирилганда салкам 190 минг сўм камомад чиқди. Ғиждувон тумани «Мирвафо» хусусий фирмасида солиқ қонунчилигига қандай амал қилинаётганлиги текширилганда 3,6 миллион сўм даромад яширилганлиги маълум бўлди. Фирма раҳбари Носир Мирвалиев қилғиликни қилиб қўйиб сувдан қуруқ чиқишга кўп уриниб кўрди. Лекин далиллар унинг сирини фош этаверди. Мана энди 7,3 милион сўм қўшимча солиқ ва пеня тўлашга мажбур бўлиб турибди. Агар у солиқ қонунчилигига риоя қилганида бу маблағ корхонанинг кам-кўстига яратиларди.

Текширувлар давомида айрим корхона ва ташкилотларда нақд пулларни банк муассасаларига топшириш ва пул эмиссиясини қисқартиришга эътиборсизлик билан қаралаётгани маълум бўлмоқда. Денов туманидаги «Хозарбоғ» жамоа хўжалигида яқинда шундай ҳолат очиб ташланди. Бу ерда ғазнага кирим қилинган 129 минг 718 сўм нақд пул банкка топширилмай бошқа мақсадларга сарфлаб келинган экан. Тумандаги Охунбобоев номли улгуржи мева-савзавот ҳиссадорлик жамиятида ҳам худди шундай ҳол такрорланган. Бу ерда 36 минг 604 сўм нақд пул банкка ўз вақтида топширилмаган. Айбдор шахслар албатта жазосиз қолмадилар. Уларга нисбатан 11 минг сўмдан маъмурий жарима қўлланилди.

Ким нима экса, шуни ўради, деган гап бекорга айтилмаган. Шундай экан ҳар бир қадамимизни ўйлаб босайлик. Хуфя ишнинг умри қисқа эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак

**Жасур НОСИРОВ.**

**Шу кунларда обҳавонинг бирмунча илиқ келиши деҳқонларимизнинг қишки юмушларни бажаришларига қулай имконият яратмоқда. Бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган Сирдарё туманидаги «Шоликор» деҳқон хўжалиги бирлашмаси миришкорлари шолидан бўшаган 2700 гектар майдоннинг сўнгги гектарларида шудгорлашни жадаллик билан олиб боришмоқда.**





**Суратларда: тракторчи Ҳусан Тугмахонов, бирлашманинг 2-бўлими бошлиғи Элибой Буратовлар.**

**Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**

*Касаба уюшмалари фаолиятидан*

# ИШЧИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Қўмитамизнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган ўзаро битими ҳамда жойлардаги туман ва шаҳар касабақўмлари маъмурият билан ишлаб чиққан шартномаларида ижтимоий ҳимояга асосий эътибор қаратилган. Жумладан, тармоқ ходимларига қўшимча иш ҳақи беришни ташкил қилиш, кадрларнинг малакасини доимий ошириб бориш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, «Оила йили»да биринчи навбатда ижтимоий кам таъминланганлар, ногиронлар, қаровчисиз қолганларга моддий ёрдам кўрсатиш миқдори ортди. Уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларининг ёзги дам олишларини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1300 нафар кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга 800 минг сўмлик моддий кўмак берилди.

Соҳада янгилик-ташкилотларда иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан ходимларнинг шифохонада даволаниш пайтларида озиқ-овқат сарф-харажати ана шу ташкилот ҳисобидан тўланиши қоида тусига кириб қолди.

Ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида санаторий ва профилакторийларга бериладиган йўлланмалар салкам 200тага етказилди. Амалдаги йилда спорт ва маданий-маърифий тадбирларга диққат эътибор кучайтирилганини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Туман ва шаҳарлараро турли мусобақалар мунтазам ўтказиб турилганлиги ва уларнинг оммавийлигини таъминлашга эришиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар, амалий ишлар фикримизнинг далили бўла олади.

«Намунали оила» кўрик танловимизда эса Амударё, Шуманай, Қораўзак ва Тўрткўл туманлари тиббиёт ходимлари фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалладилар.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёни изчил давом этар экан, шубҳасиз, тармоқ ходимларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоят сезгирлик ва масъулият билан олиб борилиши керак. Бу - бизга келиб тушаётган ариза, шикоят ва таклифларда ўз аксини топмоқда. Йил давомида шикоят ва аризалар билан ишлаш, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишда бор имкониятлардан фойдаландик. Жумладан, ишдан бўшатилган 7 нафар ходим ўз лавозимларига қайта тикланди. Асоссиз равишда бошқа ишга ўтказилган 4 нафар мутахассис ва ўрни қисқартирилган 1 нафар кишининг талаби қондирилда. Қонунга зид бўлгани боис 5 нафар ходимга қўлланилган интизомий жазо чораси бекор қилинишига эришилди.

Келгуси йил-«Аёллар йили» биз, тиббиёт ходимлари олдига янада юксакроқ вазифалар юклайди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат Дастурини экологик ноқуш вазиятдаги Қорақалпоғистонда ҳаётга татбиқ қилиш нақадар муҳимлигини яхши англаймиз.

**Холиқназар БОЙНАЗАРОВ.**

*Хориж тажрибасидан*

# ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИДА ЛИЗИНГ УСУЛИ

Мулкчилик муносабатларида янги -кооператив, деҳқон, фермер, ижара, шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликларининг вужудга келиши деҳқонларда янги техника—технологияларга эҳтиёж туғдиради. Ҳозирги шароитда қишлоқлардаги товар ишлаб чиқарувчилар бир қатор жузъий ва умумий сабабларга кўра қишлоқ хўжалик техникасини тўла нархда сотиб олиш имкониятига эга эмаслар, буни улар келгуси ҳосил ҳисобидан ҳам бажара олмайдилар.

Шу муносабат билан техникани сотиб олиш ва ундан фойдаланишнинг янги-янги шаклларини жорий этиш, аграр саноат мажмуи тармоқларида прокат, ижара ва лизинг ишларини кенгайтириш зарур.

Хўш, прокат, ижара ва лизинг йўли билан техникани олишдаги асосий фарқлар нималардан иборат?

Техникани прокатга олишда мулкни бир қўлдан иккинчи қўлга топшириш содир бўлмайди, балки хизмат кўрсатишни, яъни техника бажариши мумкин бўлган фойдали ишни сотиш содир бўлади.

Техникани ижарага беришда у вақтинча эгалик қилиш учун , бир мулкдордан иккинчи мулкдорга фойдаланиш учун топширилади.

Техника лизинг йўли билан топширилганда у сотиб олинади ва айни пайтда молиявий жиҳатдан кафолатланади, яъни ижарачи техниканинг тўлақ қийматини бир йўла тўлашдан озод қилинади.

Прокат, ижара ва лизинг ўртасидаги бошқа фарқлар шартнома белгиланган муддатларда, топшириладиган техниканинг тайёрлигини таъминлаш ва бошқа ҳолатларда акс эттирилади.

Техникани прокатга беришда шартнома, сертификат (шартноманинг соддароқ тури) ва бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилади. Прокат нархлари ўзаро келишиб олиниши лозим: техникадан қисқа муддатда фойдаланишда (3 кунгача ) бу нархлар юқорироқ, узоқ муддатда фойдаланишда эса (3 кундан 30 кунгача) пастроқ бўлади.

Истеъмолчи техникани ижарага,прокатга ёки лизинг йўли билан олишдан манфаатдор бўлганида қуйидаги вазиятларга дуч келиши мумкин:

-молиявий имкониятлар чекланган бўлиши мумкин (истеъмолчи мазкур техникани сотиб олмоқчи, аммо зарур пулнинг йўқлиги сабабли уни сотиб ололмайди);

-баъзи техник хизматларнинг чекланганлиги (биринчи ҳолатдаги айни вазият, аммо бундаги фарқ шуки,техника йўқлиги туфайли истеъмолчи уни сотиб ололмайди);

- техникадан фойдаланиш қулай бўлганлиги учун истеъмолчи уни ижарага олади (бу ҳолат аввалги икки вазиятдан фарқ қилади, яъни маблағ бор, сотувда керакли техника бор, бироқ ҳисоб-китоб натижаларига қараганда ижарага олиш сотиб олишдан кўра фойдалироқдир)- айни ана шу ҳолат ижарага олишнинг мантиқий шарт-шароити ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда техникани прокатга олишда қийинчилик пайдо бўлиши мумкин. Бу қийинчилик асосан машиналарнинг чекланган миқдордаги олиниши ёки техникадан лозим даражада фойдаланмаслик сабабли келиб чиқади. Истеъмолчи самарадорлик билан боғлиқ ҳисоб - китобларни қилмай, техникани прокатга олади. Баъзан шундай бўлиб чиқадики, бу техника ҳали сотувда йўқ ёки техникани сотиб олмоқчи бўлган истеъмолчининг қўлида нақд пул маблағи бўлмаслиги мумкин.

Бу борада лизинг усули истеъмолчиларни техника билан таъминлашнинг истиқболли усулларидан ҳисобланади. Лизингда ижарадан фарқли равишда уч томон: лизинг олувчи (ижарачи), лизинг берувчи (лизинг компанияси), ва маҳсулотни етказиб берувчи (маҳсулот тайёрловчи завод, фирма ва ҳоказолар) қатнашади.

Лизинг берувчи фақат молиявий вазифани бажаради ва иккита шартнома тузади: бири - ижарачи билан лизинг тўғрисида шартнома тузиш, иккинчиси - техникани сотиб олиш хусусида маҳсулот етказиб берувчи билан контрактдир.

Техникани танлаш, уни қабул қилиб олиш, фойдаланиш учун тайёрлаш ва бошқа ишлар лизинг олувчи томонидан амалга оширилади (кўпинча лизинг олувчи маҳсулотни етказиб берувчини танлайди). Лизинг компанияси техника қийматини тўлайди. Лизинг олувчи белгиланган муддат ичида лизинг компаниясига ижара ҳақини (лизинг хизматлари юзасидан ҳақни) тўлайди, бунга сотиб олишга доир пул харажатлари, бошқа чиқимлар, шунингдек, фойда киради. Контракт муддати тугагач, ижарага олинган техника ё лизинг олувчининг мулкига айланади ёки қолдиқ қиймати бўйича ижарачига сотилади ёхуд шу мижоз билан лизинг шартномаси тузилади, бироқ бунда имтиёзли ижара ҳақи камроқ бўлади.

Банкнинг ҳар қандай муассаса, филиаллари, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан янгидан ташкил қилинган қўшма лизинг компаниялари (масалан, «ЎзКейслизинг») лизинг берувчи ташкилот бўлиши мумкин.

Чет элларда қишлоқлардаги лизинг олувчилар техникани лизинг йўли билан олишда ҳисоблашиш (ҳақини тўлаш) тартиби турличадир. Масалан, Италияда «Finbailese Spa» лизинг компанияси олувчилардан техника қийматининг йиллик 7 фоизидан то 15 фоизига қадарини ундириб олади. Голландияда «Lache Landen» лизинг фирмаси берган узоқ муддатли кредитдан йиллик 4,5 фоизини, ўзи кўрсатган лизинг хизматлари учун 2,5 фоизини олади, жами бўлиб лизинг бўйича 5 йиллик муддатга берилган техника қиймати ва бошқа тўловлар юзасидан олинадиган ҳақ дастлабки миқдорга нисбатан 45-50 фоизга етади. Олмонияда «UVB Kredit Bank» лизинг компанияси («MENGELE-FORTSCHRITT» фирмаси мазкур компания билан ҳамкорликда ишлайди) лизинг операциялари учун йиллик 10 фоизини, шунингдек, лизинг жараёнларида қатнашган дилерларга тўлаш учун 3-4 фоиз миқдоридаги ҳақни ундириб олади. Беш йиллик лизинг муддати ичида бу жараён техника қийматининг 65-70 фоиз ошиб кетишига олиб келади.

Чет элларда дилерлар билан боғлиқ савдо-воситачилик чиқимлари ҳақи техникадан ташқари олинмайди, балки ана шу техниканинг сотилиш нархига киритилади. Масалан, Олмониядаги «Landtehnik» фирмаси техника нархидан дилерлар учун 15 фоизини, «FORTSCHRITT» фирмаси эса 25 фоизини чегириб ташлайди. Голландиянинг «NITAGKO» фирмаси ва унинг дилерлари техника қийматининг 50 фоизи миқдорида савдо чегирмаси суммасини оладилар. Бунинг маъноси шуки, фермерлар техникани завод белгилаган нархда сотиб олинаётганида, айни пайтда дилерлар хизматига бўлган жамики чиқимларни ҳам тўлайдилар, бу чиқимлар юқорида кўрсатиб ўтилган фирмаларда завод техникаси қийматининг 15-50 фоизига етади.

Россияда «Агротаъминот» тизимида таъминот устама нархлари, қўшимча хизматларга ( ортиш - тушириш ишлари, қайта йиғиш, обкатка, созлаш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда қўшимча харажатлар, рентабеллик ва ҳ.к.) воситачилар сонидан қатъий назар етказиб берилаётган техника қийматининг 12 фоизи миқдорида белгиланган тижорат тизимида эса 2 - 2.5 баравар ортиқдир.

Прокат хизматларини ташкил қилиш ана шу тақчилликни енгиллаштиришга уриниш бўлар эди. Улар хўжалик юритиш шакли ва кимга бўйсунишдан қатъий назар, барча истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда тармоқ тизимларига нисбатан рақобатчи бўлади.

Техникани ижарага олиш уни сотиб олишга қараганда кўпинча фойдалироқ бўлади. Ижарачилар билан истеъмолчилар ўртасида ўзаро янги муносабатлар - шерикчилик ва иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши лозим. Бунда илгариги маъмурий буйруқбозлик усуллари ўзини оқламайди. Аксинча, ҳамкорлик техникадан биргаликда фойдаланишни анча яхшилайди.

Техника ижарага олинадиган ихтисослашган корхоналар янгидан барпо қилиниши, улар кооперативлар, кичик ҳамда акциядор корхоналар шаклида бўлиши мумкин, прокат хизматлари базасида барпо қилиниши мумкин; бунда уларни моддий техника таъминоти органларга қарашли бўлинмаларидан мустақил корхоналарга айлантириш мақсадга мувофиқ.

Лизинг - ижара кўринишларидан биридир, унда ҳам капитал маблағ ажратиш иши қўшиб олиб борилади, у молиявий кредит турларидан бири ҳисобланади. Бироқ, бунда маблағни қайтаришда кўпроқ кафолат берилади (агар лизинг олувчи шартнома бўйича ҳақ тўлашни кечиктириб юборса, у техникадан маҳрум қилиниши мумкин).

Лизинг олувчи учун лизингнинг асосий афзалликлари - унинг томонидан техниканинг сотиб олинишидан ва айни пайтда сотиб олинган техника пулини тўлашдан иборат. Лизинг олувчи техниканинг тўла қийматини дарҳол тўлашдан озод қилинади, ўз капиталини унга боғлаб қўймайди. Маҳсулотни етказиб берувчи (маҳсулот тайёрловчи завод) техникани сотиш ҳажмини оширади.

Лизинг операцияларини ўтказиш схемаси лизинг фаолиятига доир халқаро меъёрларга тўла - тўкис мос бўлмоғи ҳамда унда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмоғи зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- лизинг айни пайтда қишлоқ хўжалигини давлат йўли билан қўллаб - қувватлашнинг шаклларидан бири бўлиб хизмат қилади;

- давлат номидан лизинг олувчи асосий ташкилот, у аслида лизинг компанияси ҳисобланади ва барча операцияларни ўтказиш учун инфратузумга эгадир;

- ҳозирги босқичда қишлоқ хўжаликнинг молиявий аҳволи АСК, лизинг олувчилари учун бир қатор имтиёзларнинг жорий қилиниши заруратини тақозо этади;

- лизинг берувчи фақат товар ишлаб чиқарувчилардан тушадиган буюртмалар асосидагина маҳсулотни тайёрловчи заводлар учун буюртмаларни тайёрлайди;

- лизинг берувчи истеъмолчига фақат техникани эмас, унга эҳтиёт қисмларини ҳам, барча ремонт қилиш, техникадан фойдаланиш материалларини ҳам етказиб беради, техник сервис, кафолатли хизмат ва муддати тугаганидан кейинги хизмат бўйича ўз зиммасига мажбурият олади;

АСКда лизингни жорий қилиш учун лизинг берувчилар лизинг олувчиларга бир қатор имтиёзларни яратиб беришлари лозим. Бу имтиёзлар қуйидагилардан иборат:

- лизингга берилган техника ҳақини тўлаш учун давлат томонидан пул маблағларининг ажратилиши, бунда лизингнинг бутун муддати давомида банк фоиз ундирмайди;

- техника учун дастлабки тўловларнинг табақалаштирилган (дифференциаллашган) миқдорларини белгилаш;

- одатдаги маҳсулот етказиб берилишига нисбатан савдо - таъминот ташкилотларининг хизмати учун тўланадиган ҳақни камайтириш;

- лизинг муддати давомида лизинг олувчининг темир йўл тарифини тўлаш;

- инфляцияни ҳисобга олмаган ҳолда лизингга техника бериладиган кунда амал қиладиган нархларни қўллаш;

- лизингни банклар кредити орқали ўтказиш (кредитларнинг йиллик ставкаси лизинг муддатига боғлиқ ҳолда 10 фоиздан ошмаслиги лозим) ;

- ўз фаолиятини бошловчи деҳқон ва фермерлар учун ҳамда янгидан тузилажак МТСлар учун лизинг тўловлари муддатини узайтириш;

-лизинг объектининг баҳоси лизинг тўловларида ҳисоб учун асос бўлиши шарт (шартнома муддати вақтида индексацияланмайди);

- лизинг тўловларида бартердан фойдаланиш;

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик соҳасининг тараққий этишида хорижликларнинг ишни тўғри ташкил этиш, меҳнатга ошкоралик билан ёндашиш тажрибаси қўл келаётир. Бу ҳаётий синовдан ўтган тажрибаларни ўзимизда ҳам қўлласак фойдадан холи бўлмайди.

**Абдукарим УСМОНОВ,**
**техника фанлари номзоди.**





*Қўйчилик - чорвачиликнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Буни яхши тушунган чўпонларимиз қўйлар туёғини кўпайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Айни чоғда республикамизнинг аксарият чорва фермаларида қишга тайёргарлик юмушлари ниҳоясига етказилди. Ем-ҳашаклар имкон даражасида йиғиб олинди. Бироқ ҳозир кун анча илиқ бўлганлиги боис, чўпонларимиз қўй-қўзиларни яйловларда боқишмоқда. Бу эса ўз навбатида заҳирадаги ем-ҳашакларни тежаш имконини бераётир.*

**Суратларда: Пойариқ тумани «Халқобод» ижара хўжалиги бош чўпони Қувват Тожибоев мана 25 йилдирки, шу касбни ардоқлаб келади; Ғаллаорол туманидаги «Қипчоқсув» ширкат хўжалиги раиси Рустам Турдиев чўпонлар Худойберди Аллаев ва Бобур Абдувоҳидов билан отардаги қўйларни кўздан кечиришмоқда.**

**Ш.АКРОМОВ олган суратлар.**

*Ардоқ*

## 300 ТА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Жиззах вилояти касаба уюшмалари кенгаши қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини қиш фаслида ҳордиқ чиқаришлари режасини белгилаган эди. Вилоятнинг илғор бригада бошлиқлари, механизаторлар, сувчилар, чорвадорлар, боғбон ва соҳибкорлар, ғаллакору пахтакорлар ва деҳқон фермер хўжаликлари бошлиқларидан иборат 300 нафар кишига Тошкентдаги «Бўстон» ва «Ботаника» сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди.

Ушбу санаторийларга жўнаш олдидан Зафаробод туманидаги деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Абдусодиқ Мамаев, Пахтакор туманидаги А.Икромов номли хўжалик ишчиси Қулбек Омонқуловлар вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгашига кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун меҳнаткашлар номидан миннатдорчилик билдирдилар.

Вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшаётган, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланган меҳнаткашлар манзилга элтиб қўйилдилар.

Бу меҳрибончиликдан дам олувчилар ҳам, вилоят меҳнаткашлари ҳам беҳад хушнуд бўлдилар.

**А.ЭРГАШЕВ.**

## ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Тўрткўл туманидаги «Шўраҳон» очиқ турдаги қишлоқ хўжалик уюшмаси касабақўмининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида техникани таъмирлашнинг ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Марказий устахона бошланғич касаба уюшмаси фаоллари ташаббуси билан техникаларни таъмирлашда қатнашаётганларга етарли шароитлар яратиб берилганлиги таъкидланди. Натижада 8 та ўрим, 35 та сув чиқазувчи насосларнинг двигателлари сифатли таъмирдан чиқазилиб, кузги-қишки дала ишларида ишлатилмоқда. Устахона қошидаги ҳавас қилса арзигулик ошхонада меҳнаткашлар ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Энг муҳими, бу ерга келтириладиган озиқ-овқатлар бепул яъни марказий устахона жамоасига ажратилиб берилган бир гектар ерга экилган турли экин ва кўкатлар, ёрдамчи хўжаликда етиштириладиган чорва маҳсулотларидан тайёрланади.

Шунингдек, марказий устахона қошида дам олиш уйи, сауна, чойхона ҳам намунали хизмат кўрсатади.

Хўжалик касабақўмини ҳайъат йиғилишида етарли шароит яратиб берилгани боис марказий устахонада бир маромда иш олиб борилаётганлиги қайд этилиб, илғорлардан Абдулла Убайдуллаев, Исмоил Собиров, Жалилхон Жиенбоев ва Аҳмад Хожиевларни янги йил байрами арафасида бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофотлашга қарор қилинди.

*Ўз ўрнини топган кишилар*

# ОТ МИНГАН ОЛИСНИ КЎЗЛАР

Қибрай қишлоғига кетаётиб, автобусдаги ўзаро суҳбатларни эшитмасликнинг иложи йўқ - чунки индамаслик муносабатимизни билмоқчи бўлгандек баъзан биз томонга ўгирилиб қараб қўяётган ўрта яшар кишига нисбатан ҳурматсизликдай туюлиши мумкин эди.

- Кечирасиз, қанча вақтдан бери маош олмаяпмиз, дедингиз?

- Икки ойдан бери, яхшиям томорқамиз бор экан - ризқимиз чиқиб турибди.

- Қайси хўжаликдансиз?

У дарров сергак тортди, ўзбекчилик эмасми - ўз жамоаси сирини нотаниш кимсага айтишга истиҳола қилди шекилли деди:

- Ҳа, энди шунчалик дардимизни ёздик-да... Лекин туманимизда зўр хўжаликлар ҳам бор. Масалан, Туроб Нормуҳамедов номли жамоа хўжалиги. Деҳқонларнинг роса омади юришган.

- Яқинда ширкат хўжалигига ўтишмоқчи эмиш,- ҳамсуҳбатининг сўзини бўлди ўзини Баҳром Абдусаломов деб таништирган шофёр йигит. - Ишни ташкил қилишнинг бу янги усули хўжаликни янада бақувват қилади. Одамларда ерга эгалик ҳиссини кучайтиради. Эшитишимизга қараганда, жамоа хўжалиги бу йилни 9 миллион сўм соф даромад билан якунламоқчи эмиш. Режалар анча ортиғи билан бажарилганини туманда ҳамма билади. Косаси оқарган деҳқонлар деб, ана шуларни айтса арзийди...

Автобусда эшитганларимизни туман газетаси муҳаррири Абдуҳамид Фозилов ҳам тасдиқлади:

- Хўжаликнинг раҳбари зўр,-деди у,- жонкуяр, одамларга қайишадиган, талабчан, молия ишларини яхши тушунадиган ва пулга жуда пишиқ одам. Жамоанинг бир сўм пулини ўнта чиғириқдан ўтказиб, кейин сарфлайди...

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Обидхўжа Султоновни хўжалик идорасида кекса тажрибали деҳқон Фозил ака билан маслаҳатлашаётган пайтида учратдик.

- Фозил аканинг фикри, фотиҳасисиз жиддий ишга қўл урмаймиз,-деди раис. - Бугун ҳам ширкат хўжалигига ўтиш масаласини жамоа аъзолари билан кўриб чиқмоқчи, шу важдан у кишини йиғилишга таклиф қилган эдик. Истасангиз сизлар ҳам қатнашишингиз мумкин...

Раис бува ярим соатча деҳқончасига маъруза қилиб, ширкат ва пай улуши нималиги, оила пудратидан фарқи, мулкчилик бу шаклининг афзаллиги тўғрисида жўшиб гапирди. Жўшмай ҳам бўладими, агар таъбир жоиз бўлса ислоҳотлар синовидан дадил ўтилаётган, хўжаликнинг келажак истиқболига пойдевор қўйилаётган кунку бугун.

Йиғилишдан сўнг бир оз охори тўкилган бир қаватли хўжалик идорасига кирамиз. Шунда кимдир:

-Идора биносини янгилаш тўғрисида кўп айтамиз-у, лекин Обидхожи ака бунга кўнмайдилар,-деди.

- Мухтарам Президентимизнинг янгисини қурмасдан туриб эскисини бузмаслик керак, деган гаплари барчамиз учун дастуриламал, унга жавобан деди хўжалик раҳбари. - Менга қолса, идорани янгилашдан ҳам муҳимроқ юмушларимиз кўп. Қишлоқларимиз юз фоиз газлаштирилгани хайрли иш бўлди. Эндиги вазифа - қолган 40 фоиз хонадонларни ичимлик суви билан таъминлаш.

Илтимосимизга биноан бош ҳисобчи жорий йилдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари акс эттирилган ҳисоботни олдимизга қўйди. Жамоанинг бор-йўғи 412 гектар ери бор. Лекин ундан қандай фойдаланиш, қандай самара олиш тўғрисида гап кетганда ҳозиргина Фозил отанинг айтганлари ёдга тушади: - «Ернинг ҳам одамга ўхшаган жони бор. Уни ўз фарзандингдай парвариш қилсанг, тилига тушунсанггина истаган нарсангни беради». Ҳисоботдаги рақамлар ҳам деҳқонларнинг ер билан тиллаша олишини аниқ далил сифатида кўрсатиб турарди. Давлатга дон сотиш режаси 150 фоиз бажарилди. Уни етиштириш 610 тонна ўрнига 624 тоннага етказилди ёки гектаридан 41,6 центнердан ризқ-рўз йиғиштириб олинди. Сабзавот экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 345 центнерни ташкил этди. Карам ва помидордан эса энг юқори ҳосил олишга эришилди.

Қисқаси, 35 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилиб, рентабеллик 32 фоизга олиб чиқилди. Йил якуни бўйича соф даромадни 9 миллион сўмликка етказиш мўлжалланмоқда. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, хўжаликнинг бирон идора ёки ташкилотдан на дебитор ва на кредиторлик қарзи бор. Банкдаги ҳисоб рақамида 18 миллион сўм пули мавжуд. Ой сайин ўртача 5-6 миллион сўм банкка ўтказиб турилиши одат тусига кирган.

Жамоа аъзолари шу пайтгача ишни оила пудрати асосида олиб бориб, кам бўлмадилар. Ерга хўжайинлик ҳисси шаклланди. Мустақиллик деҳқон қаддини тиклади. Бугунги сабзавоткор ёки боғбон ишнинг кўзини билиб, жон койитиб меҳнат қилиш ўзи, оиласи фаровонлиги ва демакким, жамоа хўжалиги, иқтисодиёти равнақининг омили эканлигини тушуниб етди. Амалдаги йилда режадагидан анча кўп, яъни 3800 тонна сабзавот етиштирилгани ёки 234 тонна ўрнига 392 тонна (167 фоиз) мева узилгани фикримиз далилидир. Қирқ гектар ерга экилган қулупнайдан ҳар йили мўмай даромад олинаётир.

- Қўлинг ҳалол, виждонинг тоза бўлиб меҳнат қилсанг ер сени ҳам, жамоани ҳам боқади,- дейди уста сабзавоткор Юсуф Каримов. - Шу йилнинг ўзида оила аъзоларим билан хўжалигимизга 750 минг сўмлик даромад келтирдим. Шахсий даромадимиз эса бу кўрсаткичдан бир ярим баробар кўпдир. Бунга ишбилармон раҳбаримизнинг жонкуярлиги ва талабчанлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатишни истардим. Энг муҳими - раис бизни, биз эса уни яхши тушунамиз.

Халқимизда даромадга қараб буромад, деган нақл бор. Тўғри, лекин ана шу буромадни ўз ўрнида, жойжойига сарфлай билиш ҳам раҳбардан омилкорликни талаб этади. Дарвоқе, нега кўпгина хўжаликлар қарзга ботди. Бу касалликнинг туб илдизи қаерда?

- Менимча, асосий иллат ишни ташкил қилишда бўлса керак,-дейди О.Султонов,- агар уста иморат пойдеворини ғиштини нотўғри териб қўйдими, демак бино битгунча қийшиқ бўлиб бораверади. Шунинг учун биринчи ғишт, биринчи қадамда янглишмаслик керак. Янглишмаслик учун эса тажрибали деҳқонлардан маслаҳат олиш, етти ўлчаб бир кесиш ва янаям муҳимроғи, жамоа аъзолари юрагига йўл топиш керак. Қарздор бўлиб қолмасликнинг иложи эса синалмаган ташкилотга маҳсулот сотмаслик, насияга бермаслик, пулга пишиқ бўлиш ва бор пулни банкка қўйиб қўйишдир. Баъзи жойларда ойлик маош тўлолмай ўрнига етиштирилган ҳосилдан улуш чиқармоқдалар. Қўлида пули йўқ деҳқон нима қилсин? Ўзини бозор-ўчарга, олди-сотдига уради-да: Бозор иқтисодиёти янгича ўйлашни, фикрлашни, талаб этмоқда. Бу йил пишиқчилик пайтида ҳар йилдагидек қайта ишлаш корхонаси навбатда турганлар билан тирбанд бўлиб кетди. Қарасак, терилган ҳосил - помидор сувга айланиб кетадиган. Бунинг устига топширилган маҳсулот учун корхонадан пул ундириш ҳам амри-маҳол. Маҳсулотни бозорда сотдик. Хўжаликка ҳам фойда бўлди, деҳқонга ҳам.

Раис бува жўшиб гапирар, «ишда ҳам унча-мунча одам унинг олдига тушолмаса керак» деган таассурот туғдирарди. Унинг куюниб айтишича, сабзавотчилик, умуман қишлоқ хўжалиги даромад берадиган соҳадир. Мўлжалдагидан кўпроқ самарага эришиш учун эса уруғчиликка жиддий ёндошиш керак.

Юқорида жамоа раҳбари Обидхўжа Султоновни «пулга пишиқ» деб таърифлашган эди. Бундан ўз одамларига ҳам қайишмас экан, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Аслида пулни пулга уриштирадиган кишиларга шундай таъриф берилади. Айни пайтда ана шу «пишиқ одам» хўжаликнинг 10 миллион сўмини мева-сабзавот банкига қўйиб, дивидентини қуртдай санаб олаётир. Ҳадемай, яна 5-6 миллион сўмлик акциялар сотиб олиш режаси бор.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, хўжалик имкониятлардан унумли фойдаланиб, ширкат хўжалигига ўтиш учун тайёр бўлиб турибди. Бундай усул эса, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиради, шахсий манфаатдорликни кучайтиради, ер ҳосилдорлигини оширади, деҳқон насибасини бутун қилади. Ишни янгича ташкил қилишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, ширкатга шу ҳудудда яшовчи пенсионер ёки ишловчи ҳам, шифокор ёки ўқитувчи ҳам танлов йўли билан аъзо бўлиши мумкин.

Албатта, ҳамма соҳада ҳам муваффақият астойдил тер тўккан кишига ҳамроҳ бўлади. Ишдаги самарадорликка эса меҳнатчига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, моддий ва маънавий рағбатлантириш орқалигина эришиш мумкин. Хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Нуриддин Нортоевнинг айтишича, ижтимоий кам таъминланган оилалар доимо эътиборда. Жумладан, Мустақиллик кунида жамоа аъзоларига рағбат сифатида 700 минг сўм берилди. Меҳнат муҳофазасига 20 минг сўм ажратилиб, тракторчи, шофёр ва фахрийлар шахсий чорваси учун 20 тонна сомон бепул тарқатилди. Болалар оромгоҳлари, санаторийларга худди шундай йўл билан йўлланмалар тақдим қилинди. Моддий кўмакка муҳтож ҳамда бошига мусибат тушганларга ун, гуруч, мой, картошка, чойдан ташқари 119 минг сўмлик ёрдам пули берилгани касаба уюшмаси фаолияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Янги йилдан бошлаб эса ҳудуддаги икки мактабнинг иқтидорли ўқувчиларига Туроб Нормуҳамедов номидаги стипендия жорий қилиш назарда тутилган.

Халқимизда от минган олисни кўзлар, деган нақл бор. Мазкур хўжалик раҳбари ҳам учқур от минган кўринади.

**Абдунаби МАННОПОВ, Мирзо ҲАМДАМ, «Ишонч»нинг махсус мухбирлари.**

*1999 йил - Аёллар йили*

# «Моҳигул» либослари

Муҳтарам йўлбошчимиз ташаббуси билан келгуси йилнинг аёллар йили деб эълон қилинишида чуқур мазмун бор. Зеро аёллар барча хайрли ва олийжаноб ишларимизнинг таянчи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам аёлларнинг ўрни беқиёсдир.

Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Моҳигул» ҳусусий тикувчилик фирмасига олий маълумотли, тикув буюмлари технологияси мутахассиси Мукаррамхон Юсупова бошчилик қилади. Тикувчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган фирма ва жамоалар, хусусий корхоналар жуда кўп. Лекин «Моҳигул» тиккан, бичимга солган ҳар бир либос ва буюмлар ўз кўриниши, жозибаси билан бошқалардан ажралиб туради. Шу боис «Моҳигул»нинг мижозлари кундан кунга кўпайиб бормоқда.

- Ишни 1993 йилда битта тикув машинаси билан бошлаганман, - дейди фирма бошлиғи Мукаррам Юсупова. - Ўшанда битта уйни ижарага олиб болалар кийимларини тайёрлардик. Сўнгра автомобиль ўриндиқлари учун ғилофлар, аёллар кўйлакларини тикдик. Кейинчалик эса «Улуғбек» саноат-қурилиш банкидан дастлаб 5О минг сўм, кейин юз, икки юз минг сўм қисқа муддатли қарзлар олиб тикув машиналари, хом ашёлар сотиб олдик, аёлларни ишга жалб этдик.

Бора-бора маҳсулот тайёрлашда ўз ўзимиз, мижозларимизни топдик. «Бизнес фонд»нинг вилоят бўлимидан бир миллион сўм кредит олиб, иш ҳажми, кўламларини кенгайтирдик. Ҳозирда 2О та тикув машинамиз бор. Фирмамизда 43 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Айни кунда вилоятдаги кўплаб корхона ва ташкилотларининг буюртмаларини бажараяпмиз. Айниқса фирмамизда тайёрланаётган итальянча «Ламбрикен» кўринишидаги безакли пардаларимизга мижозларнинг қизиқишлари катта.

«Моҳигул» барча турдаги буюмлар тикиш бўйича мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Ҳатто «ЎзДЭУавтохизмат» Республика бўлими ҳам «Моҳигул» тикувчиларига катта ишонч билдириб, ишчилар учун махсус кийим-бошлар тайёрлатишди.

Жамоанинг бошқа турдош корхоналардан фарқи аввало маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришаётганлигида. Зеро бозор иқтисодиёти қонунлари ҳам шуни талаб этади. Чунки қаерда ишчилар учун қулайлик, имкониятлар бўлсагина ишда унум, барака бўлади.

«Моҳигул» иш фаолиятининг асоси ҳам ана шунга асосланган.

Жорий йилнинг ўн бир ойида жамоа чеварлари томонидан тўрт миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди.

Келгуси йилда «Моҳигул»да аёллар учун янги иш ўринлари ташкил қилинади. Фирма фаолияти кенгайтирилиб кондитер ва чарм- галантерея маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар ташкил этилади. Шаҳар марказида эса фирма дўконини очиш режалаштирилган.

**Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.**

# ХОТИРА ТУРНИРИ

**Жиззахдаги «Наврўзбулоқ» пойгагоҳида генерал-майор Е.Норбеков хотирасига бағишланган автопойга мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон чемпионатининг якуний босқичи доирасида ўтказилган бу мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгалладилар.**

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.**

*Пиёда, ҳайдовчи ва ДАН*

# СЕРҚАТНОВ ЧОРРАҲАЛАРДА

Республикамиз ҳудудида минглаб транспорт воситалари мавжуд. Уларнинг йўлларда аниқ ҳаракатланиши учун турли йўл белгилари қўйилган. Мақсад ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдир. Лекин йўлларимиз қай аҳволда эканлигини ҳайдовчилар яхши билишади. Жумладан, Тошкент шаҳридаги айрим кўприклар юзаси нотекис. Пойтахт марказида жойлашган айрим серқатнов чорраҳаларда на пиёда светофори, на пиёдалар учун жой белгилари бор. Масалан, Муртазоев ва Тимирязев, полковник Хўжаев ва З.Қобилов, Сағбон ва Фаробий кўчалари кесишган чорраҳаларда пиёдалар учун ўтиш йўл чизиғи ва светофори мавжуд эмас. Хуллас, пиёдалар кўчанинг қаеридан кесиб ўтишини билмай сарсонлар. «Шимолий вокзал» темир йўллари устига қурилган кўприкдан кундузи ҳам юриш қийин.

Пушкин, А.Темур, Бобур каби кўчаларда «Чап қаторни банд қилманг» деган йўл белгилари турибди. Ваҳоланки, бундай белгилар дунёнинг бирон чеккасида ҳам йўқ. Республикамиз ДАН ходимларининг айримлари қўлларида спидгам (транспорт тезлигини ўлчайдиган асбоб) билан пана жойда туришади. Нега? Спидгам асбоби радар тизимига асосланган бўлиб, фақат 8-10 фоизга хато қилади. Тошкент шаҳри ҳудудидан чиқишда ва унга киришда куппа-кундузи йўлда «STOP» белгиси (тўхтамасдан ҳаракатланиш таъқиқланган) туради. Бу белгини Тошкент вилоят туманлари ДАН ходимлари бўлар бўлмасга йўл ўртасига ўрнатиб қўядилар. Масалан, Паркент туманида шаҳарга кираверишда «STOP» белгиси йўлнинг ўртасига ўрнатилган. Бундай белгини фақат тасодифий, фавқулоддаги ҳодиса ёки комендант соати жорий қилингандагина қўйилса тўғри бўларди.

Айрим ёнилғи қуйиш шоҳобчаларида сотилаётган ёнилғини сифатсизлиги, ифлослиги натижасида двигателларда ёнилғи тежамли, унумли ёнмай атмосферага кўплаб заҳарли СО газини чиқармоқда. Шундай ёнилғи билан ишлаётган автомобиль ДАН ходимлари томонидан тўхтатилиб СО га текширилганда бегуноҳ ҳайдовчи жарима тўлашга мажбур бўлади.

Республикамиз ҳудудида жойлашган шаҳарлардаги чорраҳаларда йўл ҳаракатини бошқарадиган (светофор) йўл чироқларини ишига назар ташласак, уларнинг аксар қисми механик услубда ишлайди. Яшил чироқдан кейин сариқ чироқ атиги 1-2 сония ёниб туради ва бу қисқа вақт ичида айрим катта чорраҳада ҳаракатланаётган транспорт воситалари ҳали ўтиб улгурмасданоқ қизил чироқ ёнади. Айрим чорраҳаларда эса сариқ чироқ бир сония ҳам ёниб турмайди. Натижада автотўқнашувлар юз бераётгани ёхуд ДАН ходимлари ҳайдовчининг сариқ чироқда чорраҳадан сал юрмасдан қизил чироқда ўтгани учун кескин маъмурий чоралар кўраётгани сир эмас. Ваҳоланки, йўл чироқларининг нотакомиллиги сабабли шундай ҳоллар юз бермоқда. Шунинг учун республикамиздаги барча йўл чироқларини электр услубга ўтказиш вақти келмадимикин?! Яъни, жаҳон йўл ҳаракати қоидаларига асосан, яшил, сариқ, қизил чироқлар ўзгариши олдидан огоҳлантириш тарзида камида уч марта ўчиб-ёниши керак. Шундай қилингандагина йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ёки бахтсизлик ҳодисалари юз беришининг олди олинган бўларди. Шунингдек, кечаси 22 дан эрталаб 05 гача йўл чироқлари ишини сариқ чироқ ўчиб-ёнадиган режимга ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Тошкент кўчаларида юзлаб таъқиқловчи йўл белгилари бор. Уларнинг кўпчилиги шаҳар тун қўйнига киргандан кейин керак бўлмай қолади. Масалан, Навоий, Пушкин, А.Темур каби марказий кўчаларда «Тўхташ таъқиқланади», «Тўхтаб ўтиш таъқиқланади» каби ўнлаб йўл белгилари ўрнатилган. Кечаси 22 дан кейин транспорт қатнови жуда камаяди. Йўл белгиларини самарали ишлаши учун ҳар қандай белгининг тагида изоҳ сифатида унинг фаолият кўрсатиш вақти кўрсатилиши керак.

Шу кунгача ҳайдовчилик гувоҳномаси рус ва инглиз тилида ёзилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Қачон фуқаролар ўзбек тилида ёзилган ҳайдовчилик гувоҳномасини оладилар?

Умуман, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида замонавий техника, бошқариш воситалари, янгиликларни кенгроқ жорий қилсак, бунда тараққий этган давлатлардан ўрнак олсак фойдадан холи бўлмасди.

**Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ, муҳандис-техник.**

